



ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 июль куни давлат активларини хусусийлаштириш соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хусусийлаштириш — муҳим иқтисодий тадбирлардан бири. Бу нафақат бюджетга тушумни таъминлайди, балки янги инвестиция лойиҳалари, иш ўринлари ва қўшилган қиймат учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Чунки тадбиркорлик ривож учун энг зарур шароит, аввало, ер, бино ва инфратузилмадир.

Шунингдек, давлат корхоналари ва банклар ихтиёрида уларнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган 511 та объект ҳалигача сотилмасдан турибди.

Йиғилишда хусусийлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш, аукционда қатнашиш тартибларини содда-лаштириш ва иштирокчилар сонини кўпайтиришга қаратилган вазифалар муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, жорий йилда 900 дан ортиқ давлат мулклари сотувга қўйилди. Энди давлат мулкларини "1 сўм" қийматда савдога чиқариш, ер участкаларини инвестиция мажбурияти билан сотиш амалиёти бекор қилинади ва улар бозор баҳорисда электрон савдоларга чиқарилади.

Бундан ташқари, онлайн аукционда қатнашиш учун тўловлар бекор қилинади ва тадбиркорларга электрон рўйхатдан ўтиш харажатлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан қоплаб берилади. Аукционда мулкни сотиб олганда тўлов муддатни ҳозирги 5 кундан 15 кунгача узайтирилади.

Бундан буён давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларнинг бино-иншоотлари, транспорт воситаларини сотиш ва ижарага беришни фақат электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби жорий этилади.

Мутасаддиларга ушбу янги тартибларни назарда тутувчи қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилди.

Тошкент шаҳридаги 13 та йирик кўчмас мулк объекти ҳамда 11 та тармоқ корхоналаридаги давлат улушларини хорижий консалтингларни жалб қилган ҳолда сотувга чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ўз ваколатидаги 154 та бўш турган объектни бир ой муддатда савдога чиқариш вазифаси қўйилди.

Ҳокимликлар томонидан сотувга чиқарилган мулклар сотилганда, худудлар ихтиёрида қоладиган маблағлар улуши 73 фоиздан 87 фоизга ошириладиган бўлди. Бу маблағлар вилоят ва туманлар (шаҳар) бюджетлари ўртасида тенг тақсимланади.

Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат корхоналари ҳамда банкларнинг асосий фаолиятга хос бўлмаган ва бўш турган объектларни тўлиқ қайтадан хатловдан ўтказиб, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича топширик берилди.

Фаолият юритмаётган ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Н.И.ПИРОГОВ НОМИДАГИ РОССИЯ МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, халқаро таълим стандартларини жорий этиш, тиббий хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш, тиббиёт амалиёти, таълими ва илмий тадқиқотлари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш, даволаш-ташхислаш жараёнига илғор ютуқларни ва инновацияларни таъбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети" Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўйилди.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш тизими ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун муҳим илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишга қодир юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш;

тиббиёт кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган замонавий таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва таъбиқ этиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий қилиш, ўқув-педагогик салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш; тиббиёт ва тиббиёт илм-фани соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш; таълим ва фanning узлуксизлиги ҳамда узвийлиги, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мажбурий интеграциялашуви ҳисобига мутахассислар, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

таълим ва илмий фаолиятнинг тиббий ва фармацевтик фаолият билан чуқур интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан таълим ҳамда тиббиёт илми соҳаларида узоқ муддатли муносабатларни мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Филиал Университетнинг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида таркибий бўлинмаси бўлиб, таълим, илмий, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга;

Филиалдаги таълим жараёни Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида рус тилида олиб борилади;

Филиал таълим фаолиятини 2022/2023 ўқув йилидан бошлайди;

абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади;

(Давоми 2-бетда).



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ИЛМ-МАЪРИФАТ АСОСИГА ТИКЛАНМОҚДА

Бугунги кунда кўп миллатли халқимиз, Ватанимиз тараққиёти учун, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу йўлда улкан орзу-умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз — асосий таянчимиз ва суянчимиздир.

Нуктаи назар


Зеро, ренессанс — уйғониш демакдир. Яъни илмий уйғониш, маърифатни англаш ва шу аснода асрларга тенг йилларни лаҳзаларда босиб ўтмоқ демакдир. Бу жараёни бошлаб бериш, унинг пойдеворини қўйиш эса камданкам инсонларга насиб этган. Бунинг учун, аввало, Аллоҳ берган иноят, сўнгра миллатни севиш, самимий инсонпарварлик туйғуси муҳассам бўлмоғи даркор инсонда.

Бугун биз ана шундай қутлуғ бир даврда, дунёга янги Ўзбекистон номи билан танилаётган муқаддас замида учинчи Ренессансга пойдевор қўйиладиган замонада яшашмоқдамиз.



Эътироф

ТУРКИЙ ДУНЁ МЕЪМОРЛАРИ ВА МУҲАНДИСЛАРИ ИТТИФОҚИ 2021-2022 ЙИЛЛАРНИ «МИРЗО УЛУҒБЕК ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ



Туркий дунё меъморлари ва муҳандислари иттифоқи томонидан 2021-2022 йиллар "Мирзо Улуғбек йили" деб эълон қилинди. Анқарадаги Гази университетиде бўлиб ўтган тантанали тадбир чоғида бу ҳақда маълум қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек — турк муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари юқори баҳо берилди, ўзаро алоқалар, айниқса, қурилиш ва меъморчилик соҳасидаги муносабатларнинг тобора кенгайиб бораётгани ошқошланди.

Туркий дунё меъморлари ва муҳандислари иттифоқи Ўзбекистонда кенг қўлламли инфратузил-

ма лойиҳаларининг амалга оширилишида, шунингдек, меъморчилик ва қурилиш соҳаларида замонавий таълим жараёнларининг йўлга қўйилишида кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Тадбир қатнашчилари шаҳарсозлик, меъморчилик ва қурилиш муҳандислиги соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашиш учун 2022 йили Мирзо Улуғбекнинг она шаҳри Самарқандда Туркий дунё меъморлари ва муҳандислари иттифоқи бошқарувининг аъзолари иштирокида форум ўтказиш масаласини муҳокама этишга келишиб олди.

«Дунё» АА.

Анқара

Конференция

Президент сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Гулистон шаҳрида "Президент сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Барқарор ривожланиш маркази ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан онлайн ва офлайн шаклда ташкил этилди.

Тараққиёт дастури (БМТТД), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТТ), Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (SDC) кўмағида ўтказилди.

Халқаро анжумандан кўзланган асосий мақсад — сайловларнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва сайлов қонунчилигининг ривожланиш тенденцияларини илмий таҳлил қилиш, шунингдек, сайлов қонунчилиги ҳамда амалиётини янада такомиллаштириш юзасидан ўзаро тажриба ва фикр алмашишдан иборат бўлди.

Конференция халқаро шериклар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти



БУЮК МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент Ботаника боғида "Учинчи Ренессанс бунёдкорлари" шиори остида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумидаги маърузасини халқимиз, кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Муносабат

Маърузада таъкидланганидек, Ўзбекистон азизимизнинг бой тарихи, жаҳон илму фанига муносиб хисса қўшган алломаларининг буюк мероси билан дунёда ном қозongan. Бугунги янги Ўзбекистон фарзандлари ана шу улуг аждодларимиздан гурурланиб, уларнинг бой меросини кўз қорачигидек асраб-авайлаб, янада бойитиб, фидокорона меҳнат, интилишлари билан барча соҳада давлатимиз куч-қудратини юксалтириш йўлидан бормоқда.

Дарҳақиқат, навқирон авлодга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан. Президентимиз эса уларнинг ҳар бирини менинг фарзандим, деб эъозлайди, юксак марраларни забт этишига ишонади. Зеро, маърузада Президентимизнинг Ўзбекистонга чексиз муҳаббати, унинг ёруғ келажагига ишончи, ёшларга улкан эътибори, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга, улуг чўққилар сари дадил қадам ташлашга даъвати муҳассам.

Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари бу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Халқаро форум

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Шу кунларда Франция пойтахти Париж шаҳрида гендер тенглик масалаларига бағишланган "Тенглик авлоди" халқаро форуми бўлиб ўтмоқда.

Фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда Франция ва Мексика раислигидаги "БМТ — Аёллар" тузилмаси томонидан ўтказилаётган тадбирда хорижий давлатлар раҳбарлари, жаҳон парламентлари, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари, ёш етакчилар, хусусий сектор ходимлари иштирок этмоқда.



ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИ ВА ҲУРЛИГИМИЗ РАМЗИ

1992 йил 2 июль — "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган кун



Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдўз акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби куйидаги кўринишга эга: пурвиқор тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноклари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради.

Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган.

Давлат гербининг тасвирдан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «O'zbekiston», деб ёзиб қўйилган.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ҳурмат билан муносабатинда бўлиши шарт.

Сана